

Қўрик-танлов завқи билан

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, "Гидромелиорация" факультети 1-босқич талабалари иштирокида ҳам "Қувноқлар ва зукколар" қўрик-танловини анъянавий равиша ўтказиб борилиши йўлга қўйилган. Унда факультет декани А.Фатхуллаев, ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари О.Ҳабибуллаев, Д.Аллаёров ҳамда факультет ёшлар иттифоқи етакчиси А.Ҳамидов, факультетнинг "Ноилож" жамоаси ва талаба-ёшлар иштирок этишди.



Маълумки, давлат раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди. Биринчи ташаббус доирасида ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишиларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қиласди. Факультет декани томонидан "Заковат" интеллектуал ўйинида ғолиб бўлган жамоаларга диплом ва совғалар тақдим этилди. Ёшларни Ватанимиз миллий қадриятлари, тарихий-маънавий меросимизга садоқатли қилиб тарбиялаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, бўш вақтларини унумли ва сермазмун ўтказиш, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш, маҳоратини ошириш ҳамда уларнинг ўз иқтидорларини намоён этишига қўмаклашиш каби мақсадларни ўзида мужассам этган қўрик-танлов юқори савияда ташкиллаштирилди.



ТИҚҲММИ матбуот хизмати